

Сариев Қаҳромон Раматуллаевич,
Корақалпоқ давлат университети
“Иқтисодиёт” кафедраси
мустақил изланувчиси

САНОАТ ТАРМОҒИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Уибу мақолада саноат тармогининг миллий иқтисодиётдаги ўрни, Қорақалпогистон Республикасида унинг барқарор ривожланиши, инновацион фаолияти ҳамда бошқаруви самарадорлиги масалалари ёритилган.

В данной статье освещены роль отрасли промышленности в национальной экономике, ее устойчивое развитие в Республике Каракалпакстан, инновационная деятельность и эффективность управления отраслью.

In this article, the role of the industrial network in the national economy, its sustainable development in the Republic of Karakalpakstan, innovative activity of the network and the effectiveness of management are highlighted.

Саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни, модерниза-циялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттириш Ўзбекистон муваффақиятининг асосий омили саналади.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот (ялпи ҳудудий маҳсулот) таркибида саноат улушининг юқорилиги ҳамда диверсификация туфайли юқори суръатлар таъминланганини алоҳида қайд этиш лозим. Чукур ўйланган ва пухта таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган, бир-бири билан узвий боғлиқ стратегик дастурлар ижросининг самарасидир.

Айтиш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, бугунги кунда саноатни юксак даражада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил ижроси барча тармоқлар фаолиятида қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда (1-расм) [1].

Айни вақтда республикамида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 80,0 фоизи қайта ишлаш тизими хиссасига тўғри келаётгани бунга яққол асосдир.

Мустақиллик йилларида машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникиси ва мобил телефонлар, кенг турдаги майший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби тармоқлар жадал тараққий этиб, миллий саноатнинг локомативларига айланди.

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Саноатда институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини кўллаб-куватлаш, ўрта ва узук муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш

Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшичмача кийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноат-ни янада модернизация ва диверсификация килиш.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, юқори кўшилган кийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган динамик ривожланишини таъминлаш.

Саноатни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини кисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш.

Маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация килиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш.

Саноат тармоқлари учун самараали рақобатбардош мухитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш. Шу мақсадда қўйидаги вазифалар белгиланган:

Корхоналар бирлашиши ва кўшиб олинишида монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш; рақобатни чекловчи келишувлар, битим-лар ва келишилган ҳаракатларга карши кураш механизmlарини такомиллаштириш;

Устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишида тадбиркорлик субъектларининг ҳужжат-ларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш;

Манфаатлар тўқиашувини бартараф этиш мақсадида шуъба корхона таъсисчининг устав фондидан улущ сотиб олишини ва шуъба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

1-расм. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари.

Буларнинг барчаси халқимизнинг юқори технологияли саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини маҳаллий ишлаб чиқарилган арzon ва сифатли товарлар ҳисобидан қондиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.

Шунингдек, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар йўналишларидан бири саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. У саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва таркибий қайта тузиш жараёнлари билан ифодаланади. Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Саноатдаги ушбу таркибий ўзгаришлар қўйидаги йўналишларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали ҳақиқий мулкдорлар синфини яратиш; кичик ва ўрта корхоналар улушини ошириш орқали мажмууда рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналар сонини имкон қадар камайтириш; аввалдан шаклланган, хом ашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиши, уларнинг ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо этиш; моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (мехнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳукуқий кафолатлар бериш; хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган саноат корхоналарига маълум давр давомида олдинги фаолиятини сақлаб қолиш талабидан воз кечиши. Бу эса ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари таркибини тубдан ўзгартириш, талаб ва эҳтиёж катта бўлган, импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар яратади; жаҳон бозорига Ўзбекистон ракобатбардош саноат маҳсулотлари билан кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини мамлакат саноатига жорий этиш, бунинг учун қулай инвестицион муҳит яратиш; мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш; шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида қўйилган мақсадларни мувафақиятли амалга оширишга йўналтирилган қарорларни иш фаолиятига изчил татбиқ этувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этишни.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши соҳа корхоналари маблағлари ва ресурслари кўпайганлигини англатади. Давлат томонидан солиқ юкини қисқартириш, бюджет-солиқ сиёсатини эркинлаштириш, солиқка тортиш тизимини соддалаштириш борасида олиб борилаётган мақсадли ва узок муддатли барқарор ривожланишни таъминловчи сиёsat ЯИМ ошиши ва унда саноат маҳсулотлари улуши ортишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон саноат мажмууда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётдаги улушини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши пировард - натижада саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсишига олиб келди. [7]

Мустақилликнинг ўтган даврида ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқларида юқори суръатлар билан ўсиш кузатилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда енгил саноатнинг йирик тармоқлари: ип йигирув ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада, доимий юқори кўрсаткичларда ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни тизимли равишда кенгайтириш келгуси давр саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришларнинг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади.

Саноат тармоқларидағи ўсиш суръатлари мазкур тармоқларда яратилаётган маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талаб кўламига боғлиқ. Мамлакат аҳолисининг реал даромади ва харид қобилиятини янада оширишда истеъмол кредити тизимини кескин кенгайтириш ва такомиллаштириш саноат мажмууда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи ички талаб улуши ошиши билан характерланади. Саноатда яратиладиган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги баҳонинг қулай конъюнктурага эга бўлиши, халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши саноат ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади ва ташқи омил таъсирининг ошиши билан тавсифланади [6].

Саноат мажмууда амалга оширилган таркибий ўзгаришларда давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати, баҳо ва пул-кредит сиёсати, умуман, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича амалга киритилаётган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Саноат корхоналарини ислоҳ қилиш, таркибий қайта тузиш, саноатда хусусий мулк улушининг янада ошиши, тармоқ корхоналари бошқарувини бозор тамойиллари асосида шакллантириш саноат ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Таҳлил маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Лекин ҳали мамлакатимиз саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бу жараён қуйидаги омиллар билан боғлиқ: айрим саноат корхоналарида мавжуд капиталнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги; айримларида моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада эканлиги, кўп ҳолларда саноат корхоналари ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги ва х.к.лар.

Ушбу муаммолар саноатда таркибий инвестицион сиёсатни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши талаб этади. Бу борада шунингдек, мамлакат саноатининг барқарор ривожланишини таъминловчи қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

саноат тармоғини барқарор ривожлантириш, унинг етакчи соҳаларини молиявий таъминлаш учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш;

саноат соҳасига замонавий турдаги ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берадиган янги технологияларни киритиш;

саноат тармоғининг унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар билан алоқаларини такомиллаштириш;

хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда маҳсулотлар сотиш тизимини такомиллаштириш учун маркетингдан кенгроқ фойдаланиш;

инвестицион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенг кўламли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;

корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиласиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

тармоқда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдилларимиз кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМда саноатнинг улуши 2000 йилда бор-йўғи 9,5 фоиз, 2005 йилда 10,8 фоиз, 2015 йилда 13,8 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 31,0 фоизни ташкил этмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида саноат тармоғи улушининг ўзгариш динамикаси (жамига нисбатан % да)

Кўрсаткич	Йиллар							
	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019* *
Саноат тармоғининг ЯҲМ даги улуши	9,5	10,8	13,1	13,8	21,0	27,0	31,4	31,0
Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатлари	111,2	118,4	108,0	124,0	166,3	111,1	106,2*	105,0*

Изоҳлар: *)- маҳсулотнинг физик ҳажми индекси

**)- дастлабки маълумот.

Республикада кўплаб янги саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилиши, реконструкция қилиниши, модернизация ва технологик янгиланиши билан боғлиқ. Шунингдек, ўрганилаётган йилларда саноат маҳсулотларининг ўсиши суръати ҳам таъминланган. Бунга асосан енгил саноат, кимё саноати ҳамда бошқа соҳалардаги ўсиш ҳисобига эришилган.

Таҳдилларимиздан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 2018 йилда 2015 йилдагига нисбатан 4,5 марта, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажи 4,4 марта, саноат маҳсулотини сотишдан тушган соф тушум 7,1 марта ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида саноат тармоғини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси (амалдаги нархларда)¹

Т/п	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2015 йилдагига нисбатан ўзгариши, %
1.	Саноат маҳсулоти ҳажми, амалдаги нархларда, млрд.сўм	2387,6	4265,7	6773,3	10911,9	4,5 м.
2.	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати, %	124,9	166,3	111,1	106,2	85,03
3.	саноат ишлаб чиқаришининг республикамиздагига нисбатан улуши, %	2,4	3,8	4,6	4,6	191,7
4.	Тоғ-кон саноати корхоналари сони, бирлик	93	96	102	104	111,8
5.	Қайта ишловчи корхоналар сони, бирлик	1064	1031	1282	1621	152,3
6.	Маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилган лойиҳалар сони, бирлик	7	8	5	6	85,7
7.	Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлар ҳажми, млрд.сўм	142,2	1018,4	2303,3	3952,7	27,7 м.
8.	Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, минг сўм	1343,5	2364,2	3701,4	5879,3	4,4 м.
9.	Аҳоли жон боши саноат маҳсулотининг ўсиш суръати, %	122,1	163,8	109,5	104,7	85,7
10.	Саноатда меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати(ўтган йилга нисбатан), %	121,3	165,2	110,4	107,4	88,5
11.	Саноатда банд бўлган аҳоли сони, минг киши	59,8	60,9	61,3	60,6	101,3
12.	Саноат маҳсулоти (ёки хизмат)ни сотишдан тушган соғ тушум, млрд.сўм	1393,0	3528,2	6061,5	10002,4	7,1 м.

Аммо 2018 йилда 2015 йилдагига нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг нисбий ўзгариш суръати 85,03 фоиз, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг базис йилига нисбатан ўзгариши 85,7 фоиз, тармоқдаги меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 88,5 фоизни ташкил этди.

Республикада энг юқори ўсиш суръати маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 2018 йилда 2015 йилдагига нисбатан 27,7 мартаға ошган. Ўрганилаётган йилларда тармоқда банд бўлганлар сони таркибида сезиларли ўзгариш кузатилмаган. 2018 йилда 2015 йилдагига нисбатан персоналда атиги 1,3 фоизга ўсиш юз берган.

¹ Ўзбекистон саноати 2015-2018 йилларда. Статистик тўплам. – Тошкент, ДСҚ, 2019. 160 бет.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йилда 2000 йилдагига нисбатан саноат маҳсулоти ҳажми сезиларли даражада ошган. (3-жадвал).

Ушбу ҳолат Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришига катта эътибор қаратилаётганлигини билдиради, Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши, катта миқдорда инвестициялар ажратилиши, тармоқни модернизациялаш ва диверсификациялашга алоҳида эътибор берилаётганлиги билан изоҳланади.

Республикада 2000 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти умумий ҳажмида озиқ-овқат саноатининг улуши 29,5 фоизни, енгил саноатники 25,7 фоизни, энергетикани 21,9 фоизни ташкил этди. Қолган соҳалар (кимё, машинасозлик, тоғ -кон ва бошқалар)нинг улуши жуда паст бўлган. 2019 йилга келиб, республика умумсаноат маҳсулотлари ҳажмига озиқ-овқат саноати 13,5 фоиз, кимё саноати 57,3 фоиз, енгил саноати 8,3 фоиз, энергетика 8,6 фоизлик улуш қўшди.

Таҳлилларимиздан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида 2015 йилдан бошлаб, саноат умумий ишлаб чиқаришида кимё саноати юқори салмоққа эга бўлмоқда. 2019 йилда республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида қурилиши материаллари 4,4 фоиз, тоғ-кон маҳсулотлари 3,6 фоиз, бошқа соҳаларники 2,0 фоиз улушга эга бўлган.

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида саноат тармоғи кўрсаткичлари динамикаси, млрд.сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Саноат маҳсулоти ҳажми	44,16	198,8	697,2	2 387,6	4 265,7	6 773,3	10 911,9	12 729,7
Шу жумладан:								
озик-овқат	13,05	37,2	169,1	827,2	925,0	1 010,1	1 308,1	1 730,5
металлургия	-	-		0,5	0,4	0,7	0,5	1,9
кимё	0,04	0,4	35,4	343,2	2 001,3	4 062,2	6 836,2	7 297,2
машинасозлик	2,22	1,5	3,9	17,6	28,4	18,7	276,6	260,7
енгил саноат	11,38	69,8	196,7	442,7	520,9	668,5	882,5	1 064,7
энергетика	9,67	50,6	178,0	434,3	441,5	446,8	596,1	1 090,9
ТОҒ-кон	2,35	24,0	62,4	136,4	169,7	234,7	356,7	465,6
курилиш материалари	4,03	5,9	18,9	125,6	114,9	217,6	413,3	563,3
бошқалар	1,42	9,4	32,8	60,1	63,6	114,0	241,9	254,9

Таҳдилларимиздан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида асосий воситалар (АВ)дан фойдаланиш самарадорлиги уччалик юқори эмас (4-жадвал). Масалан, фонд қайтими 2015 йилда сезиларли даражада (1,90сўм) юқори, 2016–2017 йилларда пасайиш даражасида бўлган, 2018 йилда эса яна 1,018 сўмни ташкил этган. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти 2018 йилда 12,5 фоизни, чиқиб кетиш коэффициенти эса 0,8 фоизни ташкил қилган. Бугунги кунда фойдаланишда бўлган АВларнинг 85,0 фоизга яқини яроқли, 15,0 фоизга яқини эскирган.

4-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоғида асосий воситалардан фойдаланишни статистик таҳлили

T/p	Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
1.	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм (Q)	2387,6	4265,7	6773,3	10911,9
2.	Йил бошига асосий воситаларнинг тўла бошланғич қиймати, млрд.сўм (AB_0)	1186,2	1306,6	8475,0	9729,4
3.	Йил бошига киритилган асосий воситалар қиймати, млрд.сўм ($AB_{кир}$)	160,0	7320,7	1023,2	2054,5
	Шу жумладан:				
	янги киритилган асосий воситалар қиймати ($AB_{янги}$)	156,3	7288,9	872,8	1471,6
4.	Чиқиб кетган АВ қиймати, млрд.сўм ($AB_{чиқ}$)	18,1	56,0	78,6	81,0
	Шу жумладан:				
	тутатилган (хисобдан чиқарилган) асосий воситалар қиймати ($AB_{тутатилган}$)	13,8	46,4	62,3	58,0
5.	Йил охирига АВларнинг тўла бошланғич қиймати, млрд.сўм (AB_1)	1328,1	8571,3	9419,6	11702,9
6.	Йиллик амортизация суммаси (A) млрд.сўм:				
	йил бошига (A_0)	352,5	415,0	565,8	1141,9
	йил охирига (A_1)	413,9	624,4	1028,4	1712,6
7.	Йил охирига АВларнинг қолдиқ қиймати, млрд. сўм, (AB_1)	914,2	7946,9	8391,2	9990,3
8.	Саноатда банд бўлганлар сони, киши (T)	59,8	60,9	61,3	60,8
9.	Тўла бошланғич қиймат бўйича АВларнинг ўртача йиллик қиймати, млрд сўм (\bar{AB})	1257,1	4938,9	9419,6	10716,1
10.	Фонд қайтими (самараси), сўм ($\varphi_{қайтим}$)	1,899	0,863	0,719	1,18
11.	Фонд сигими (талабчанлиги) F сигим, сўм	0,52	1,16	1,39	0,98
12.	Мехнатни фонд билан таъминлаш даражаси, $M_{таъмин}$, минг сўм	21,021	81,098	153,663	176,251

T/p	Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
13.	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти (К _{янг}), фоиз	11,8	85,0	9,2	12,5
14.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициенти (К _{чиқ}), фоиз	1,5	4,2	0,9	0,8
15.	Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти (К _{яроқлилик}), фоиз	68,8	92,7	89,1	85,3
16.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (К _{эскир}), фоиз	31,2	7,3	10,9	14,7

Саноат тармоғида ялпи маҳсулотнинг қўшимча ўсиши (ёки камайиши)ни қўйидагича формула орқали ҳисоблаймиз:

$$\Delta Q = Q_1 - Q_0 \quad (1)$$

Бу ерда: ΔQ – саноат тармоғи маҳсулотининг мутлақ қўшимча ўсиши (ёки камайиши);

Q_1 – саноат маҳсулотининг ҳисобот йилидаги ҳажми;

Q_0 – саноат маҳсулотининг базис йилидаги ҳажми.

Саноат тармоғида яратилган ялпи маҳсулотнинг мутлақ қўшимча ўсиши ёки камайишига 2 та омил таъсир кўрсатади:

1-омил: фонд қайтими (самараси)нинг ўзгариши:

$$\Delta Q_{s_{\text{қайтим}}} = (Q_{s_{\text{қайтим}1}} - Q_{s_{\text{қайтим}0}}) \cdot \overline{AB}_1 \quad (2)$$

2-омил: асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши:

$$\Delta Q_{\overline{AB}} = (\overline{AB}_1 - \overline{AB}_0) \cdot s_{\text{қайтим}0} \quad (3)$$

Саноат тармоғи ялпи маҳсулотини статистик таҳлил қилиш мақсадида 2017–2018 йилнинг статистик маълумотлардан фойдаландик. Бунда 2018 йил ҳисобот йили, 2017 йили базис йили сифатида белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон Республикасида саноат маҳсулотининг 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан мутлақ ўсиши (камайиши)ни ҳисоблаймиз.

$$\Delta Q = Q_{2018} - Q_{2017} = 10911,9 - 6773,3 = 4138,6 \text{ млрд. сўм.}$$

Демак, 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан саноат маҳсулотлари 4138,6 млрд.сўмга кўпайган.

Ушбу қўшимча ўсишга омилларнинг таъсирини кўриб чиқамиз:

$$\Delta Q_{s_{\text{қайтим}}} = (1,018 - 0,719) \times 10716,1 = 3206,4 \text{ млрд. сўм.}$$

$$\Delta Q_{\overline{AB}} = (10716,1 - 9419,6) \times 0,719 = 932,2 \text{ млрд. сўм.}$$

Таҳлилларимиздан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида саноат маҳсулотининг ўсиши асосан 1-омилга, яъни фондлар самарадорлигига боғлиқ экан. Демак, саноат маҳсулоти қўшимча ўсишининг 77,4 фоизи фондлар

самараси ҳисобига, қолган 22,6 фоизи эса асосий воситалар миқдори ошиши ҳисобига таъминланган.

Хулоса қилиб айтганда, саноат тармоғида маҳсулотларнинг қўшимча ўсиши интенсив омил (фонд қайтими)га кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган.

Тахлилларимизга кўра, охирги йилларда тармоқда ижобий ўзгаришлар кўп. Аммо бу жараёнда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Жумладан, кўпгина корхоналарда ҳамон эски ускуналар сақланиб қолганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сотилмай, омборларда қолиб кетмоқда, меҳнат унумдорлиги паст, минтақалар саноат ишлаб чиқариши ҳудудий таркибида саноатнинг ривожланиш даражаси ўртасидаги тафовут кескинлигича қолмоқда. Шулар сабабли саноат улушининг ЯИМдаги ўсиши даражаси 35 фоизга ҳам етмаяпти.

Яқин келажакда саноатнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида: саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш; моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатбардошликтни кучайтириш; маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш; ишчи кучи сифатини яхшилаш; экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши кўпайтириш; хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш асосида йирик қўшма корхоналар қуришни ривожлантириш лозим.

Шунингдек, саноатнинг таркибий тузилмасини янада такомиллаштириш, соҳа умумий ишлаб чиқариши ҳажмида қайта ишлаш саноати тармоқларининг замонавий машинасозлик, илмталаб тармоқлари улушини ошириш зарур.

Минтақаларда мавжуд хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳудудий номутаносибликларга барҳам бериш керак.

Саноат ривожланишини тартибга солишининг иқтисодий усулларидан устун даражада фойдаланиш саноат корхоналари эркинлигини таъминлашга, инвестиция дастурида қўзда тутилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, ҳудудларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда тадбиркорлик шакллари ривожланишига кенг йўл очиб беради, ҳудудий тузилмаларда саноатнинг тармоқ тузилишини яхшилаш ҳамда соҳа ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этишнинг илғор шаклларини жадал ривожлантириш имкониятини яратади. Саноат ривожланишини таъминлашда иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланиш минтақалар миқёсида саноат ишлаб чиқарувчилари учун қулай макроиктисодий мухит шаклланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-иловаси: “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. //Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2017 й. 23 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Социально-экономическое положение Республики Узбекистон за 2017 год. Ташкент. 2018 г. Стр. 17
5. Ортиқов А. Саноат иқтисоди. Дарслик. –Тошкент, ТДИУ, 2009. 236 б.
6. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы 1Уго Форума экономистов / Отв.ред. М.П. Нарзикулов. Ташкент. Вак1паРгез\$, 2012. С. 8.
7. Махмудов Э.Х., Ортиқов А., Каримов Ф.. Корхона –иқтисодиётнинг асосий бўғини. //Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.